



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 4 сентябрь, № 174 (4584)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ  
Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида 2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси тўғрисидаги Битимга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги Баённомани (Бишкек, 2007 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 12 июнда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2008 йил 29 августда маъқулланган

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида 2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси тўғрисидаги Битимга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги Баённома (Бишкек, 2007 йил 16 август) ратификация қилинсин.


Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2008 йил 3 сентябрь  
№ УРҚ — 172

**Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир**

Қашқадарё вилоятидаги "Нефть-газ кудуқларини синаш" очик акциядорлик жамиятига қарашли "Кудуқларни мустаҳкамлаш" цехи жамоаси нефть-газ кудуқларининг юқори қувват билан ишлашини таъминлаш мақсадида фаолият юритиб келмоқда. Гап шундаки, цехнинг 156 кишилик аҳил жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Фарғона vodiysi ҳудудларида бургуланаётган ва таъмирланаётган нефть-газ кудуқларида мустаҳкамлаш ишларини бажариб келади.



Айни кунларда улар 86 та кудуқда ана шундай масъулиятли ишни юқори суръатда адо этишмоқда. Ишдаги сифат ва талабчанлик туфайли кудуқлар

## ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ — МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

Мамлакатимизга бежиз "Жаннатмонанд юрт" деб таъриф беришмайди. Сабаби, ўлкамиз нафақат ўзининг гўзал табиати, балки ер усти ва ер ости бойликлари кўплиги билан ҳам ажралиб туради. Мустақиллик йилларида улар ҳар тарафлама чуқур тадқиқ этилиб, халқимиз маъмурчилиги йўлида ўзлаштирилаётир.



да кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олинаяпти. Бунда Шерзод Расулов, Шерзод Чориев ва Фарҳод Очилов (суратда) сингари ўз ишининг устаси бўлган ҳайдовчи-моторчиларнинг хизмати, айниқса, катта бўлаётир.

Шомурод ШАРОПОВ (Ў.А) олган сурат.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноблари, Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан шахсан Сизга ва бутун Ўзбек халқига қизгин ва самимий қутловларини улкан мамнуният ила йўллаيمان.

Никола САРКОЗИ, Франция Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан Бирлашган Араб Амирликлари халқи ва ҳукумати ҳамда шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларини изхор этиш ва эзгу тилақларини йўллашдан гоят мамнунман.

Халифа бин Зайд Ол НАХАЁН, Бирлашган Араб Амирликлари Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг Миллий байрами муносабати билан Греция халқи ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига гоят қизгин қутловларини ҳамда Ўзбекистон халқига фаровонлик ва раванк, шахсан Сизга бахт-саодат тилаб билдирган самимий истакларини изхор этаман.

Каролос ПАПУЛИАС, Греция Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Исроил халқи ва шахсан ўз номидан самимий қутловларим ҳамда Сизга омонлик, мамлакатингиз ва халқингизга бардовом тараққиёт ва раванк тилаб билдирган истакларимни изхор этишга ижозат бергайсиз.

Шимон ПЕРЕС, Исроил Давлати Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Мамлакатингизнинг Миллий байрами муносабати билан самимий қутловларини лутфан қабул қилгайсиз.

Вацлав КЛАУС, Чехия Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Латвия халқи номидан гоят самимий қутловлар йўллаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Валдис ЗАТЛЕРС, Латвия Республикаси Президенти.

## Ўзбекистон Президентининг КХШТ Коллектив хавфсизлик кенгаши сессиясида иштирок этиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2008 йил 5 сентябрда Москвада бўлиб ўтадиган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ) Коллектив хавфсизлик кенгаши сессиясида иштирок этади.

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Анджон вилоятидаги 11 та йирик тўқимачилик корхонасини техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш режалаштирилган.

Тўқимачилик ривожланади

Умумий қиймати 69,5 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги истиқболли лойиҳалар амалга оширилгач, йилга 40,5 тонна калава ип, 6 миң тонна трикотаж матоси ишлаб чиқарилади. Шундан 72,5 миң АҚШ долларига тенг бўлган маҳсулот экспорт қилишга мўлжалланмоқда. 3150 нафар ёшлар доимий иш жойига эга бўлади.

Айни пайтда «Антекс» акциядорлик жамияти, «Олтинқўлтёкс» ҳамда «Инвестекс» кўшма корхоналарига инвестициялар киритилди. Уларнинг умумий қиймати 5,8 миллион АҚШ долларини ташкил этади. 800 та янги иш ўрни эса қишлоқ ёшларига мунтазир.

Одилжон ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жомбой туманида янги янги корхона — «Diamond class» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ташкил этилди.

Қўшма корхона иш бошлади

Тадбиркор Ахтам Маҳмадинов маъмурий бино қурилиши учун шахсий жамғармаси ҳисобидан 130 миң АҚШ доллари сарфлади. Хорижий инвесторлар томонидан эса 150 миң доллар миқдоридида сармоя киритилди.

Қорхона фаолияти ишица илдишлар ишлаб чиқариш, уларни ички бозорда сотиш, келажақда ўз маҳсулотларини хорижага экспорт қилишга йўналтирилади. Асосий эътибор маҳаллий аҳолини ишга жалб этиш учун янги иш ўринларини қўлайтиришга қаратилган.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ҒУРУРИМИЗ, ИФТИХОРИМИЗ

Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами арафасида Истиклолимиз рамзи ҳисобланиш Мустақиллик майдони ҳар галгидан-да гавжум. Шодибна дамларига ўз бағрига юрт аҳли ва меҳмонларини қорлагувчи мазкур муаззам манзил узоқ-яқиндан таширф буюрган ҳаюртларимиз, айниқса, ёшлар қалби ва онига истиклол ғояларини, миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик хислатларини янада чуқурроқ синдиришга хизмат қилмоқда. Айни дамда бу улуг туйғу кўркам ва азиз майдонга таширф буюрган юртдошларимиз чехраси ва дил сўзларида ҳам намоён бўлмоқда.

Мухаббат МАМАРАИМОВА, Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги 20-мактаб ўқувчиси: — Ушбу табарук майдонга ҳар гал келганимда, мамлакатимизнинг улғурғун мақсадлар сари одимлаётганига яна бир бор гувоҳ бўламан. Кўп йиллик ўқувчилик касбимга таянган ҳолда айтишим мумкинки, бугунги ёшлар мустақиллик самарасини, ҳурлик тушунчасини кадрловчи, Ватанини ота-онадек эъзозловчи ўғил-қизлардир. Мустақиллик, Истиклол ҳақида сўз борганда, энг аввало, улар кўз олдида мана шу бетакрор маҳмуа намоён бўлиши шубҳасиз. Таъкидлаш жоизки, бу каби сўлим тўшмалар бутун вилоят ва шаҳарларимизда ҳам барпо этилаётгани кишини

қувонтиради. Улкан ислохотлар меваси улгарок, навқирон ва нурафшон шаҳримиз Навоийда ҳам шу каби манзиллар халқимиз фаровонлиги йўлида бунёд этилмоқда. Айниқса, мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 1 июлдаги "Навоий кон-металлургия компания ва Навоий шаҳрининг 50 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори шаҳримиз аҳли учун яна бир юксак эътибордан нишондир.

Акмал АҲМЕДОВ, сураткаш: — Биз ҳаммиса халқимизнинг яхши кунларида, бахтли айёмларида хизмат қиламиз. Шу билан бирга, Мустақиллик майдонига таширф буюрувчи юртдош-

ларимиз қувончидан баҳраманд бўламиз. Шуниси эътиборлики, бу маскан нафақат улуг айём кунлари, балки ҳар доим зиёратчилар билан гавжум. Унинг таровати, файзи ва жозибаси чет давлатлардан таширф буюрган меҳмонларни ҳам ҳайратлангирмоқда. Улар бу азиз майдонни ўз ҳаётларида муҳраб қўйиш ниятида суратларга тушишмоқда. Жумладан, менинг сураткашлик ижодимда ҳам бу майдон бош мавзулардан биридир. Гоҳида уларни қайтадан кўздан кечириб, тарихимизнинг бетакрор лаҳзаларини муҳраганимдан беихтиёр ғурурланаман. Улуг Мустақиллик майдонини, муболагасиз, юртимизнинг қалби, дея эътироф этсам, арайиди.

Абдулвазир РУСТАМОВ эътиб олди.


## МУҚАДДАС БУРЧ

Тошкент Олий умумқўшни қўмондонлик билим юртида биринчи курс курсантларининг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда ота-оналар номидан сўзга чиққан Ғиёс Бешимов, Насиба Нуриллаева, биринчи курс курсанти Шаҳоб Аҳмадов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарчилигида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига улкан эътибор қаратиётганини алоҳида таъкидладилар.

Офицер бўлиш — самарқандлик Каттабек Мансуровнинг болалик ораси. У муддатли ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб, қўмондонликнинг тегишли тавсияномасига эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада тако-

## КАСАНАЧИЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА



2008 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда касаначилик асосида

66,7 миңта янги иш ўрни яратилди.

Касаначиликни ривожлантириш негизда йирик sanoat корхоналари билан бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги кооперацияни кенгайтириш бўйича олиб борилган фаол ишлар натижасида шунча киши иш билан таъминланди.

Бир рақам шарҳи

Қарши туманидаги Пандирон қишлоғи ўқувчилари янги ўқув йилини янги мактабда бошлади. Бу орда қисқа муддатда 420 ўринли мактаб биноси қуриб битказилди.

Янги ўқув йили — янги мактабда

Қашқадарё вилоятида бу йил 21 та янги мактаб бунёд этилди. Улардан 19 таси республика мактаб таълими жамғармаси маблағи ҳисобидан бунёд этилди. Қурилиш ва жиҳозлаш ишларига 7 миллиард 222 миллион сўм маблағ сарфланди.

Бўри НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ЖАҲОН 24 соат ичида

Туркияда ер силкинди

Туркиянинг шарқида Рихтер шкаласи бўйича 5 баллга тенг ер қимирлаши содир бўлди. "Рейтер" ахборот агентлиги хабарига кўра, табиий офатдан Адияман музофотидаги бир неча иншоотлар жиддий зарар кўрди...

Суиқасд қилинди

Кеча Покистон бош вазири Юсуф Илониёга суиқасд уюштирилди. Бу ҳақда "Би-би-си ньюс" телеканали хабар тарқатди. Суиқасд пойтахт Исламобод атрофида содир этилган...

Мажбурий қўниш

Эроннинг "Iran Air" авиакомпаниясига қарашли самолёт факулда ҳолат юз бериши туфайли Хиндистонга қўнишга мажбур бўлди. "Франс-пресс" ахборот агентлиги хабарига айтилишича, "Boeing 747-200" русумидаги лайнернинг двигателларидан бирида ёнғин чиққан...

Тўфон келтирган зарар

Сешанба кuni Гаитида юз берган «Ханна» тропик тўфони мамлакат иқтисодига жиддий зарар келтирди. "Рейтер" ахборот агентлиги хабарига кўра, табиий офат натижасида камиди 16 киши ҳалок бўлган...

Бўрилар баликни хуш кўради

Канаданинг Виктория университети олимлари йиртқич жониворлардан ҳисобланган бўрилар устида тадқиқот олиб боришди. Бу илмий иш "BMC Ecology" журналыда чоп этилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бўрилар истеъмол учун гўшдан кўра баликни хуш кўра экан...

«Тарзан»нинг янги талқини


Ҳолливуд киноижодкорлари томонидан суратта олинган «Мумиё» фильми кинотомошабинлар томонидан илиқ кутиб олинган. Шу фильм режиссёри Стивен Соммерс «Тарзан» фильмининг янги талқинини суратга олиши мумкин. "Variety" нашрининг ёзишича, ҳозирда режиссёр билан "Warner Bros" компанияси мутасаддилари ўртасида тегишли келишувлар олиб борилаётган...

«Coca-Cola» шарбат ишлаб чиқаради

Дунёда яхна ичимликлари билан машҳур «Coca-Cola» компанияси Хитойдаги йирик «Huizuan Juice Group» шарбат ишлаб чиқариш компаниясини сотиб олди. "Bloomberg" нашри хабарига кўра, харид 17,9 миллиард Гонконг долларлари (2,3 миллиард АҚШ долларлари) миқдорига амалга оширилди. Мутахассислар фикрича, «Coca-Cola» шу йўл билан шарбат ишлаб чиқаришда ҳам етакчи бўлиб олиши мумкин.

«ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАШ УЧУН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТ ВА ИМКОНИЯТ МАВЖУД»

Жанубий Кореянинг «Шиндонг Энерком Инк» компанияси нафақат ўз юртида, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, ушбу компаниянинг Ўзбекистон бозорига кириб келганига 17 йил бўлди. Утган давр мобайнида мазкур компания ва ўзбекистонлик ишбилармонлар ҳамкорлигида катта ҳажмдаги лойиҳалар амалга оширилди.



Учун барча шарт-шароит ва имконият мавжуд. Шунинг учун нафақат корей, балки кўплаб мамлакатларнинг йирик ишбилармонлари ўз сармоёси билан Ўзбекистон бозорига муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Президент Ислам Каримов томонидан бошқичма-бошқич амалга ошириб келинаётган

Ҳамкорлик

Иқтисодий ислохотлар эса хорижий ишбилармонларнинг эътиборини ўзига тортади. Айтишим мумкинки, 17 йиллик ҳамкорлик жараёнида мен бизнинг юртингизни, меҳнаткаш халқингизни севиб қолдим, Ўзбекистон иқинчи саватинга айланди. Тўғри, тадбиркорман, лекин пул ва фойда мен учун энг муҳими эмас. Ўзбекистон ва Корея ҳамкорлигини йўлга қўйишда иштирок этётганимдан фойдаланаман. Ҳозирги кунда корей тадбиркорларида юртингизга бўлган ҳамкорлик қилишга қизиқиш жуда юқори. Шу ўринда алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон Президентини ўз қўли билан топширган «Дўстлик» ордени барча мукофотларим орасида энг қадрига кўрилади. Негаки, бу ордени икки

— Сиз Ўзбекистон бозорига мустақиллик арасида кириб келиб, ишончли ҳамкор сифатида фаолият юритиб келмоқдасиз. Буни қандай изоҳлаган бўлардингиз? — Эсимда, 1991 йилда ўзбек пахтасининг биринчи тонналари Жанубий Кореянинг Пусан портига жўнатишган, шунингдек, Бухородаги рангли телевизорларни йиғишга ихтисослашган Gold Star корхонасига дастлабки сармоёмиз киритилган эди. Кейинчалик Тошкентдаги трикотаж фабрикасига ва халқаро тендер асосида Урганч ва Нукус сув таъминоти тармоқларини таъмирлашга сармоё йўналтирдик. Ҳозирда Ўзбекистонда бир неча курилиш ва тўқимачилик қўшма корхоналаримиз фаолият кўрсатиб келмоқда. Мисол учун, биргина Сурхондарё вилоятининг ўзида учта йирик қўшма корхонамиз бор. Шунингдек, «Шиндонг Силининг Термиз» пахта тозалаш қўшма корхонаси Термиз шаҳрида, «Солартек» қўшма корхонаси Ангрэн шаҳрида барпо этилмоқда ва ишга тушиш арасида. Саволингизга жавоб бериб шуни айтмоқчиманки, Ўзбекистонда ишлаш

кремений ётказиб бериш кўзда тутилган. Шу сабабли, ушбу лойиҳани жуда қизиқарли ва кўп қиррали, деб айтиш мумкин. Бир томондан, яқин келажақда кремений маҳсулотларини Европа, Хитой, Кореяга ва бошқа давлатларга экспорт қилиш белгиланган, иккинчи томондан, Ўзбекистонда энергия манбаларини ишга соладиган тўлиқ ишлаб чиқариш комплекси ташкил этилади. — Кунни кеча Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 17 йиллигини нишонлади. Бу йилрам ҳақида қандай фикрдасиз? — Дарҳақиқат, бу ўзбек халқининг энг улуг байрами. Бундан 17 йил муқаддам ёш мустақил давлатнинг пайдо бўлиши Марказий Осиё тарихида янги саҳифани очган эди. Бугун эса мана шу мустақил давлат жуда катта иқтисодий салоҳиятга эришиб турибди. Аини пайтда маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлар, шунингдек, ёшларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётгани мақтовга сазовор. Мен мустақиллик байрами кунини Тошкентда бўлишни жуда истаганим. Аммо давлатларимиз ўртасидаги дўстлик жамиятининг раҳбари сифатида ўша кунлари Сеулда худди шу санага бағишланган бир қатор тадбирларда қатнашимга тўғри келди. Сўхбатимиз якунида меҳнаткаш Ўзбекистон халқига барча соҳаларда бахт-саодат ва муваффақият тилайман.

Ильдар МУДАРИСОВ.

EVO Korea Telecom билан ҳамкорликда. EVO ТЕЗЛИКНИ ҲИС ЭТ. EVO БИЛАН БУТУН ОЛАМИНГНИ ЎЗГАРТИР. Телефония, Симсиз Интернет, Симсиз тармоқлар. EVO тармоғи компаниямиз мутахассислари томонидан Ўзбекистонда илк бор курилган тармоқдир. WIMAXнинг инқилобий технологиялари асосида бизнесингиз учун ишончли ва қулай тақлифлар бераётганимиздан хурсандимиз. EVO — Ўзбекистоннинг Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида илк бор қайд этилган WIMAX 802.16d стандарти тармоғидир. 2008 йилда Тошкент шаҳрида WIMAX (802.16e) мобил тармоғи ишга туширилди. EVO тармоғининг афзалликлари: Тезкорлик — хизматлар 3 кун ичида тақдим этилиши мумкин. Мижоз оғласида ускуналарни ўрнатиш 2 соатдан кўп вақтни олмайди. Оддийлик — ускуналар жуда ихчам, уларни офисдаги тоқча ёки иш столида жойлаштириш мумкин. Сим тортиш ёки деворларни тешишга ҳожат йўқ. Ишончли алоқа — WIMAXнинг аънаваний радиоулашиш технологиясидан фарқи шундаки, ландшафтнинг ўзига хослиги, дараклар, қўшни биналар тўсганда, об-ҳаво шароитига қарамай, офисингиз биринчи қаватда жойлашган бўлса ҳам, база станцияси билан тўғри кўринишда бўлса ҳам ишлайди. Хизматларнинг комплекслиги — ускуналарнинг бир тўплами телефония, Интернетга улашиш хизматларини тақдим этиш ва корпоратив тармоқларни ташкил этишга имкон яратлади. Мобиллик — компаниянинг янги жойга кўчиб ўтишида (EVO тармоғи билан қамраб олинган ҳудудда) барча соғлаш ишлари ва қўшимча хизматлар сақланиб қолади — алоқа аввалгидек ишлайди. Интернет хизматимизга уланган ҳар бир мижозимиз 2ГБ ҳажмга эга бўлган электрон почта билан БЕПУЛ таъминланади. Сиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга тайёримиз. Хизматлар лицензияланган. www.evo.uz Тел.: (8-371) 150-21-12

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНИЛАРИ! «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТЕМИР ЙЎЛ КОМПАНИЯСИ «ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛЛОВЧИ» ОАЖ ТУРИСТИК АГЕНТЛИГИ. БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ШАҲАРЛАРИ — САМАРҚАНД ВА БУХОРОГА барча қулайликларга эга бўлган тезюрар «REGISTON», «SHARQ» ва «NASAF» поездларида жамоа бўлиб саёҳатга боришни ташкил этади. Кўшимча маълумот олиш учун куйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг: 299-71-83, 299-71-66. E-mail: uzjeldpass@mail.ru www.uzrailpass.uz Хизматлар лицензияланган.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР қабул қилинади. 9.00 дан 18.00 гача 236-09-25 232-10-63 242-хона E-mail: Xalk\_suzi@rambler.ru

«INTEGRALASIA» 17" мониторли P4 компьютерлари. Пул ўтказиш йўли билан ҳамда кредит асосида сотилади. «Актив инвест» кредит иттифоқи кўмагида. Тошкент ш., «Фарғона йўли» к., 13/12, тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28, факс: 120-30-26. Товар сертификатланган. e-mail: sale@onlineuz.net www.integr-asia.com

«ЕВРОМЕТАЛЛ-ОСИЁ» ҚҚ. ХАЛҚА, ОЛТИҚИРРАЛИ Г/К, Х/К ва рифелланган ТУНУКА. Д = 10-250 мм, ст.3, 65Г, 20-45, 20Х-45Х, 40ХФА, 45ХН2МФА, 30ХГСА ва бошқалар. ст.3сп5 2,5-3-4-5-6-8-10-12 мм, 4-рифл ст.08КП 0,5-0,6 мм, ст.60С2 А 4-5 мм. ЗАНГЛАМАЙДИГАН РУЛОНЛИ ТАСМА. Кувурлар: 25х2,0, 57х3,0 ст.12Х18Н10Т. Тунука: 1-1,5-2-3-4-5-6-8-10-12-16 мм ст.12Х17, ст.08Х18Н10, ст.12Х18Н10Т. ЦЕМЕНТ — М400 ҚОПЛАРДА МЕТАЛЛ ПРОКАТИДАН МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ВА БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ («ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ» маҳсулотли). Тошкент шаҳридаги омборда Россия, Украина ва Қозоғистон металл маҳсулотларининг кенг ассортименти доим мавжуд. Тошкент ш., Бобур к., 87/1-«Б» ўй. Тел./факс: (99871) 255-76-74, 254-94-95 (ф.). E-mail: vklim 70@mail.ru

РАСМИЙ ЭКСПОРТЁР ДИЛЕРИ — «GRAND MOTORS» МЧЖ TOYOTA ва LEXUS. русумли автомобилларни сотади ҳамда сервис хизмати кўрсатади. Кафолат: TOYOTA — 12 ой ёки йўл босиши 30 минг км.; LEXUS — 24 ой ёки йўл босиши 50 минг км. Тўлов шакли — турлича. Лизинг. Автосўлов манзили: Тошкент ш., Боруний к., 2-ўй. Тел./факс: 129-10-23 (24), моб. (+99897) 753-33-33. E-mail: grandmotorsuz@gmail.com

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига тақлиф этади! Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2008 йил 3 сентябрда тақдим қилинган, Тошкент шаҳар ҳужалик судининг 2008 йил 15 августдаги 10-0817/7135 (17), 10-0817/7136 (17) ва 2008 йил 19 августдаги 10-0805/7174, 10-0810/7124-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Юнусобод тумани, Амир Темуру қўчаси, 60-«А» уйда жойлашган, «Ўзбекчишлоксавдо» МЧЖга тегишли, 1974 йилда курилган, майдони 12004 кв.м. бўлган, А, Б, В блоклардан иборат «Кооператорлар уйи» биноси мол-мулкларни билан бирга жамланма (комплекс) ҳолатда сотиш учун кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 6 270 185 030 сўм. Аукцион савдоси 2008 йил 4 октябрь кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Мол-мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотека» банки Раҳимов филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452105, МФО 00901, ИНН 200933850. Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Урозбоев қўчаси, 1-«А» ўй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz Савдоларга мурожаат!

Юртимизда Истиқлол йилларида миллат саломатлиги, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш ва ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва бақувват вояга етишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишида замонавий тиббий хизматни яхшилаш борасида талай ишлар амалга ошириляпти. Ана шу сазй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ўтган йили Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Европа минтақасидаги 53 та мамлакатдан 4 таси, жумладан, бизнинг давлатимизда оналик ва болаликни асраш тиббий хизматининг илмий модели юқори баҳоланиб, эътироф этилганини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

## СОҒЛОМ ФАРЗАНДЛАР — МИЛЛАТ ТАЯНЧИ




Тошкент тиббиёт академияси 3-сонли клиникасига қарашли Республика репродуктив саломатлик маркази саккиз йилдирки, мамлакатимизда она ва бола соғлиғини муҳофаза қилишга

салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Бу ерда 6 нафар тиббиёт фанлари номзоди, 14 нафар олий тоифали шифокор ва кўплаб малякали ҳамширалар фаолият юритадилар. Қорақалпоғистон

Республикаси, вилоятлар ҳамда пойтахтимиздан шифо естаб келган аёллар учун марказда барча шарт-шароит, имтиёзлар ва дори-дармон воситалари мавжуд. Эътиборлиси, бу ерда барча талаба ёшлар саломатлиги алоҳида назоратга олинб, вақти-вақти билан улар бепул тиббий кўрикдан ўтказилади ҳамда зарур муолажалар учун тавсиялар берилади. Яқинда шифохонага замонавий услубдаги янги лапароскоп берилгани беморларнинг тез ва осон даволанишида кўл келмоқда. Бу аппарат ёрдамида аник ташхис қўйилиб, тигиз жарроҳлик йўли билан она ва бола соғлиғини сақлашга эришилади.

— Бўлажак оналарда кўп учрайдиган экстрагенитал касалликларнинг ўттиздан зиёд тури мавжудки, бу туғилажак фарзанд соғлиғига ҳам таъсир қилади, — дейди мазкур марказ раҳбари Маҳмуда Каттахўжаева. — Бундай

### Тиббиёт



ноҳушликлар кузатилмаслиги, унинг олдини олиш учун хотин-қизларимиз ўз соғлиқларига катта эътибор қаратиши, шифокор маслаҳатларига амал қилишлари лозим.

— Юртбошимиз раҳнамолигида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, шифо масканларида яратиб берилётган шароитлару масъул ходимларнинг уринишларидан кўзланган мақсад, репродуктив саломатликни асраш баробарида, соғлом фарзандларни дунёга келтириш ва улғайтиришдир, — дейди тиббиёт академияси директори ўринбосари Ё. Қаримов. — Зеро, ақлан ва жисмонан етуқ, бақувват ҳамда зукко авлодлар миллат таянчидир.

Шоира БОЙМУРОВА,  
Темур ҚҮРБОНБЕОВ  
олган суратлар.

## ИЖОДКОРЛАР ТУҲФАСИ

Алишер Навоий номидаги опера ва балет Давлат академик катта театрида янги ижодий мавсум бошланиши муносабати билан театр жамоасининг ижодий режалари тақдироти ўтказилди.

— Набатдаги, 79-мавсум театримиз ижодкорлари учун қизғин ижодий изланишлар мавсуми бўлиши кутилмоқда, — дейди театр директори Бахтиёр Ёқубов. — Репертуаримиздан қатор янги саҳна асарлари жой олган. Хусусан, «Салтанат маликаси», «Кармен», «Марварид изловчилар» сингари опералар саҳналаштирилди. Мазкур янги

Театр ижодкорлари ёш томошабинлар учун ҳам муносиб совға ҳозирлашган. Қишқик таътил кунлари болажонлар Ханс Кристиан Андерсеннинг «Қор маликаси» эртаги асосида яратилган мюзиклдан баҳраманд бўлишлари мумкин. Ушбу дастур Хайдарали Қосимов режиссерлигида саҳналаштирилмоқда.



Театр

Катта театр саҳнасида келаси йилнинг апрель-май ойларида «Тошкент баҳори» халқаро опера ва балет санъати фестивали бўлиб ўтади. Иккинчи бор ташкил этилаётган мазкур фестиваль театрининг ёш ижодкорлари учун, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Негаки, мазкур халқаро тадбир юртимиз санъатини жаҳон миқёсида кўрсатишдан ташқари, ёш истеъдод соҳибларига жаҳон санъати усталарининг ижодий услуби билан яқиндан танишиш имконини беради. Шундай қилиб, сентябрь ойидан бошлаб, катта театр саҳнасида «Севгим самоси», «Хумо», «Мадам Баттерфляй», «Смеральда», «Аида» сингари юртимиз ва жаҳон опера-балет санъати намуналари ҳамда бир неча янги асарлар мукхлислар эътиборига ҳавола этилади.

Муборак ОХУНОВА.

### Тадбир

#### Ёш ҳунармандлар танлови

Марғилонда «Ёш ҳунармандлар» танлови бўлиб ўтди.

«Уста-Шогирд» анъанасининг янада кенг қўл очиб бийишига хизмат қилувчи ушбу тадбирни ўтказишга «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар Кенгаши, «Ҳунарманд» уюшмаси, шаҳар савдо-саноат палатаси, Марғилон телевидениеси бошқоқш бўлди. Танловда ёш ҳунармандлар Рўзихон Содикова, Матлубожон Исмоилова, Абдурашул Мирзааҳмедов галиб деб топилди.

Набижон СОБИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Қадрият

Қадим ўтмишда қўлбосани беэаш — абри баҳор санъати вужудга келган. Ҳунармандлар фикрича, абри баҳор Бухорода туғилган, Эронда ном олган, Туркияда эса мангу қолган. Абри баҳор санъати XIII асрда Хирот, Табриз, Қазвин, Хиндистон китобат санъатида кенг қўлланила бошланди.

Бухоролик истеъдодли расом Жаҳонгир Ашуров унутилмаган бу санъатни қайта тиклаган санъаткорлардан саналади.

— Аввало, «Абри баҳор санъатини Бухорога қайтариш» лойиҳасига бош қўшдим, — дейди у. — Бу лойиҳа ташаббускори туркиялик ёш санъатшунос Семахоним Баламандир. Лойиҳамизга Истамбулдаги Ислам тарихи, санъати ва маданияти халқаро тадқиқот маркази — IRCICA ҳамда Марказий Осиёни ўрганиш институти — IFEAS ҳамкорлик қилади.

Изланувчан расом ўз ҳунарини янада бойитиш мақсадида Тошкент ва Бухородаги кутубхоналарда сақланаётган қадимий китоблардаги рангин белардаги рангин кўп билан ўрганди. Туркияда ижодий сафарда бўлиб, мазкур санъат сирларини ўзлаштириди, кўплаб янги тасвирлар яратди. Айни пайтда уста Бухоро ҳунармандчилигини ривожлантириш марказида ёшларга абри баҳор технологиясини ўргатмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### ОРГАНИЗАЦИЯ РЕАЛИЗУЕТ СО СКЛАДА В ТАШКЕНТЕ:

- КОЛЕСНЫЙ ЭКСКАВАТОР**  
 HYUNDAI Robex 170W-7,  
 V ковша — 0,5 м³,  
 двигатель — Mitsubishi
- КОЛЕСНЫЙ ЭКСКАВАТОР**  
 HYUNDAI Robex 200W-7,  
 V ковша — 1 м³,  
 двигатель — Cummins
- ГУСЕНИЧНЫЙ ЭКСКАВАТОР**  
 с удлиненной стрелой  
 HYUNDAI Robex 210LC-7,  
 V ковша — 0,5 м³,  
 двигатель — Cummins
- ГУСЕНИЧНЫЙ ЭКСКАВАТОР**  
 HYUNDAI Robex 210LC-7,  
 V ковша — 1 м³,  
 двигатель — Cummins

Товар сертифицирован  
**Телефон (998-71) 252-28-95.**  
**УЖЕ В СЕНТЯБРЕ!**

### МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) тақлиф этади.

**МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ**

(Минск шаҳридаги собик «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-185...), йўл қуриш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалиги (МТЗ трактори негизида) техникалари ва махсус техникаларни тақлиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, факат Тошкентдаги расмий вакилимиз «O'zbekMAZservice» кўмак корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

«МАЗ» ва «АМКОДОР» ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КўРСАТИЛАДИ.

Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

**МТСнинг «Классный» тарифи — болалар учун**

Янги ўқув йили ҳам бошланди, демак, ўқувчилар ўз дўстлари билан янада кўпроқ мулоқотда бўладилар. МТС компанияси айнан болалар учун махсус — «Классный» тарифини тақдим этапти.

Бу режага биноан, ёш абонентлар ўз ота-оналари билан янада эркинроқ мулоқот қилишлари мумкин. Чунки «Классный» тарифида яқинлар ва ота-оналарнинг 5 та рақамларига чикувчи кўнгироқларнинг бир дақиқаси — атиги \$0,01. Унинг яна бир ёқимли томони — МТС тармоғи ичидаги чикувчи бир SMS-хабар учун — \$0,01. Ўзбекистон бўйича шаҳар телефонларига чикувчи кўнгироқлар нархи, худди тармоқ ичидаги кўнгироқлардек, бир дақиқа учун — \$0,02. Тармоқ ичида кирувчи алоқа — бепул, бошқа кирувчи кўнгироқлар эса бир дақиқа учун — \$0,02. Шунингдек, таъкидлаш керакики, «Классный» тарифида абонент тўлови йўқ.

Бу имтиёзли телефон рақамларига Ўзбекистон телефон тармоғидан исталган 5 та рақам ўрнатилиши мумкин. Бунинг учун компания офисларига мурожаат қилиш кифоя. Шунингдек, уни «Шахсий кабинет» хизмати орқали ҳам ўрнатиш мумкин.

Бундан ташқари, МТС ўзининг ёш абонентлари учун яна бир совға — болалар учун WAP-портални тақдим этапти. Унинг манзили: wap.kids.mts.uz. Бу ерда мультфильм ва болалар кинофильмлари қаҳрамонларининг рангли суратларини, мобил телефонлар учун мусикаларни олиш мумкин.

«Классный» тариф режасига компания офисларида, МТС дилерлик пунктларида, PAYNET тўлов пунктларида улашиш мумкин. МТС тармоғига уланган абонентлар эса янги тарифга \*111\*111# рақамига USSD-командани юбориб ёки «USSD-портал» орқали \*111# рақамига кўнгироқ қилган ҳолда ўтишлари мумкин.

## Фарзандингиз доимо алоқада

### Болалар учун «Классный» тарифи

- Ота-оналар ва яқинларнинг 5 та рақамига кўнгироқлар нархи — \$0,01 бир дақ. учун
- Тармоқ ичидаги чикувчи SMS-хабарлар — \$0,01 бир хабар учун
- Абонент тўлови — \$0
- Тармоқ ичида кирувчи кўнгироқлар — бепул
- Кўплаб ўйинлар, расмлар ҳамда сеvimли кўй ва оҳанглардан иборат болалар учун махсус кўнгилоқлар wap.kids.mts.uz WAP-портал

## МТС алоқа оператори

Хизматлар лицензияланган

**INTER-PRESS** ОБУНА ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР 119-0000, 119-8383, 155-0955  
 Тошкент ш. Навоий к. 13. e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонулчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 27380 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:  
 Девонхона 233-52-55;  
 Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терияди ҳамда операторлар **Жамшед Тоғоев** ва **Мухаммадали Бегмуратов** томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.30

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
 100000, ГСП,  
 Тошкент шаҳри,  
 Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
 Навбатчи котиб — А. Орипов.  
 Навбатчи муҳаррир — М. Холматов.  
 Навбатчи — Ш. Ортиқов.  
 Мусахҳах — Х. Ташхўжаев.

Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6 8